

**Г.В ПЛЕХАНОВ НОМЛИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В ПЛЕХАНОВ НОМЛИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ**

АЗЛАРОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВА

**ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЕРСОНАЛНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти
08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economical sciences**

Азларова Дилноза Ахроровна Ёғ-мой саноати корхораларида персонални бошқаришни такомиллаштириш.....	3
Азларова Дилноза Ахроровна Совершенствование управления персоналом в масложировой промышленности.....	27
Azlarova Dilnoza Ahrorovna Improving human resource management in the oil and fat industry.....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	57

**Г.В ПЛЕХАНОВ НОМЛИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Г.В ПЛЕХАНОВ НОМЛИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ**

АЗЛАРОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВНА

**ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЕРСОНАЛНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти
08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Iqt58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://reu.uz/>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акрамов Тохир Абдирахмонович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Зокирова Нодира Қаландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рахимов Абдужалол Абдурасулович
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура ва қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.I.100.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3 Тел.: (+99871) 262-43-50; факс: (+99871) 262-43-50; e-mail: tashkent@rea.ru.

Диссертация билан Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (+99871) 262-43-50; факс: (+99871) 262-43-50; e-mail: tashkent@rea.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Қ.Х. Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, ЎЗФА академиги, и.ф.д.

Н.Т. Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.н, доцент

Ш. Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон статистика маълумотларига кўра, ривожланаётган ва янги индустриал давлатлардаги иқтисодий муваффақиятларнинг аксарияти саноатда, айниқса, қайта ишловчи саноатда чуқур тузилмавий ўзгаришлар билан изоҳланади ҳамда қайта ишловчи саноат қўшилган қийматининг 44,6 фоизи, экспорт маҳсулотларининг 34,6 фоизи мазкур мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади¹. Шу жумладан, ёғ-мой саноати ҳам иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутди. Хусусан, қайта ишловчи саноатда битта иш ўрнининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўринларининг яратилишига хизмат қилади. Ушбу саноат етакчи мамлакатларда ишчи кучи қийматининг ниҳоятда юқорилиги ҳар бир персоналдан самарали фойдаланиш, уни ривожлантириш ва рағбат-лантириш жараёнларини бошқариш бўйича доимий илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Жаҳон амалиётида, саноат корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш соҳасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, саноат корхоналарида персонални бошқаришнинг замонавий услубларини жорий қилиш, саноат корхоналарида персонални бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва персонални бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Саноат корхоналарида персонални бошқаришда бошқарув маданиятини шакллантириш, бошқарувнинг ички ва ташқи механизмларига амал қилиш тартиби, саноат корхоналарида персонални бошқариш жараёнидаги томонлар қизиқишларини ўрганиш, бундай корхоналарда персонални самарали бошқариш бўйича тадқиқотлар олиб боришни янада такомиллаштириш илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш жараёни иш режасини ишлаб чиқиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уларни бирлаштириш, иш жараёнларига раҳбарлик қилиш, корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва ходимлари ишини мувофиқлаштириш, иш жараёнини назорат қилиш ҳамда соҳада халқаро стандарт меъёрларини талаб даражасида биладиган малакали мутахассислар етишмаслиги каби муаммоларнинг мавжудлиги бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этишни талаб қилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш...»² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамиз ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, корхоналарни тажрибали,

¹ www.oecd.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва бошқариш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2016 йил 18 февралдаги ПҚ-2492-сонли «Республика озиқ-овқат саноатини бошқа-ришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сонли «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат ҳар бир мамлакатда етакчи тармоқ бўлганлиги боис уни ривожлантириш ва самарали бошқаришнинг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатлари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Саноат корхоналарида персонални бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари хорижлик олимлардан И.Ансофф, Л.Водачек, Ф.Тейлор, О.Водачкова, П.Друкер, М.Мескон, Б.Карлоф, Р.Уотермен, Л.Якоккалар³ ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

МДХ давлатларининг иқтисодчи олимларидан О.С.Виханский, Б.М.Генкин, Г.Г.Зайцев, Ю.Д.Красовский, А.Л.Слободской, Э.А.Уткинлар⁴ илмий ишларида саноатда персонални бошқаришни такомиллаштириш масалалари илмий асосда ўрганилган.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини

³ Igor H. Ansoff. Strategic Management. 1979. Игорь Ансофф. Стратегическое управление. — М., 1989. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 20.02.2012. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4155>; Водачек Л. - Управление производством в объединении: интегрированный подход; «ПРИНЦИПЫ НАУЧНОГО МЕНЕДЖМЕНТА», Ф. ТЕЙЛОР, М., 1991. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 03.06.2010. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/3631>; «Друкер на каждый день. 366 советов успешному менеджеру “Питер Фердинанд Друкер; “Основы менеджмента” М.Мескон, М.Альберт, //672 стр, 2017; В поисках эффективного управления Уотермен Р// 525 стр, 1986; ³ «Карьера менеджера» Ли Якокка, стр 482;

⁴ «Проблемы развития управления общественным производством» //1991, Виханский О.С Москва; «Управление человеческими ресурсами»// Б. М. Генкин, И. А. Никитина// учебник ,2015 Москва; «Управление человеческими ресурсами»// Б. М. Генкин, И. А. Никитина// учебник ,2015 Москва; Зайцев Г. Г. Управление деловой карьерой: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Г. Г.Зайцев, Г. В.Черкасская. М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 256 с.; Красовский Ю. Д. Управление поведением в фирме: эффекты и парадоксы: (на материалах 120 российских компаний); практическое пособие / Ю. Д. Красовский. - Москва: ИНФРА-М, 1997; Слободской А.Л. Обучение персонала организаций, СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2013. — 124 с. — ISBN 9785731029148; «Мотивационный менеджмент» Э. А.Уткин, 2004// ISBN5-7218-0652-4.

ривожлантириш масалаларига алоҳида эътиборнинг мавжудлиги республикаимиз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, персонални бошқариш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш каби масалаларни ёритиб беришда мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан ҳисобланган Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.Қ.Йўлдошев, Д.С.Қосимова, Д.Н.Раҳимова, Н.С.Исмоилова, А.А.Рахимов, Б.А.Абдукаримов⁵ ва бошқаларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Аммо, бу борадаги илмий тадқиқотлар миллий иқтисодиётимизнинг ҳозирги шароитидан келиб чиққан ҳолда, ёғ-мой саноатида персонални бошқаришни ривожлантириш тўғрисида мажмуавий тасаввур бермайди. Шунингдек, ёғ-мой саноати персоналини бошқаришнинг тенденцияларини тизимли тадқиқ қилиш бўйича ёндашувларнинг амалда тўлиқ эмаслиги, ёғ-мой саноатининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олувчи комплекс миқдорий таҳлиллар ҳамда уни тавсифловчи кўрсаткичларнинг яхлит ўзаро боғлиқлиги ва динамикасини акс эттирувчи тадқиқотларни амалга оширишнинг зарурлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-42 «Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ундан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

«Ўзпахтаёғ» АЖ тизимидаги ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш ҳолатини таҳлил қилиш;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш;

⁵Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Хайитов А.Б., Акбаров А.М. «Персонални бошқариш» (Дарслик) – Т.: ТДИУ, 2014. 294 бет Ғуломов С.С. ва б. Бозор иқтисодиёти моделлари. Ўқув қўлланма. – Т., 1995.; Н.Қ.Йўлдошев. В.И.Набоков «Менежмент назарияси» (Дарслик)-Т.: ТДИУ, 2013. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: иқт. фан. док. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ. 2000. - 20 б..

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални самарали бошқариш тизимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ёғ мой саноати тизимидаги корхоналарда персонални бошқариш билан боғлиқ фаолият белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, бошқарув қарорини қабул қилишга ёндашув, статистик гуруҳлаш, эконометрик таҳлил, SWOT-таҳлил, таққослаш, таснифлаш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёғ-мой саноати корхоналарида персонал индивидуал қобилиятларини баҳолаш “матрица” ва “гуруҳий баҳслашув” усулларида устувор бўлган ходимнинг намуна шартларига мослиги ҳамда мутахассис фикрини инобатга олиш жиҳатларини уйғунлаштириш орқали такомиллаштирилган;

корхонада персонални бошқаришнинг мавжуд амалиёти раҳбар ва мутахассисларнинг иш фаолияти натижаларини баҳолашда креативлик даражасини эксперт сўрови орқали аниқлаш ҳамда шартли ўлчовларда ифодаловчи мезонлар асосида такомиллаштирилган;

корхона персонали масъулиятлари аниқ белгиланиши ҳамда вазифалари тўғри тақсимланишининг “даврий мониторинги” тартибини киритиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш таклифи асосланган;

ёғ-мой саноати корхоналарида ишловчиларнинг ҳўжалик қарорларини қабул қилиш жараёнидаги корпоратив маданият ҳамда руҳият уйғунлигини кичик гуруҳлардаги ваколатли иштироки орқали таъминлаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикада ёғ-мой саноати персоналини бошқаришни ривожлантиришнинг макроиқтисодий шарт-шароитлари, имкониятлари ҳамда ривожланиш босқичлари ишлаб чиқилган;

ёғ-мой саноати корхоналари персоналини бошқаришнинг ривожланиш тенденциялари ва омилларининг интенсив ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиб, улар асосида ривожланиш даражаси баҳоланган;

ёғ-мой саноати корхоналарида SWOT-таҳлил асосида кучли ва заиф жиҳатлари аниқланган, таҳлил натижаларига кўра корхоналарда персонални бошқариш фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгиланган;

ёғ-мой саноатида корхона бўлинмаларининг тоифалар ва касблар бўйича персонал билан таъминлангани ўрганилган ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг сабаблари ва асосий кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган эконометрик моделларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва натижаларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган методологик-услубий йўналишдаги таклиф тавсиялардан ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш жараёни иш режасини ишлаб чиқиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уларни бирлаштириш, иш жараёнларига раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегияси, персонал менежменти самарадорлиги ва корхонада иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган айрим амалий таклифлар ва тавсиялардан келгусида ёғ-мой саноати корхоналари персонали бошқарувини такомиллатириш бўйича мақсадли дастурлар, чоратadbирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, тадқиқот илмий натижаларидан «Персонални бошқариш», «Стратегик менежмент» «Ташкилий ҳуққ», «Халқаро менежмент» каби фанлар бўйича ўқув-қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуа ҳамда кейс стадилар тайёрлашда фойдаланиш мақсадли ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини муаллиф томонидан таклиф этилган кадрлар менежменти концепциялари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Yangiyo'l Yog'-Moу» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2019 йил 22 майдаги №ГП/3-616-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Yangiyo'l Yog'-Moу» акциядорлик жамияти корхонасида персонални бошқариш жараёни иш режасини ишлаб чиқиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уларни бирлаштириш, иш жараёнларига раҳбарлик қилиш, корхонанинг

алоҳида бўлинмалари ва ходимлари ишини мувофиқлаштириш, иш жараёнини назорат қилиш имконияти кенгайтирилган;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг самарадорлигини баҳолашни корхона раҳбарлари ва мутахассислари иш натижаларини баҳолаш мезонлари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Guliston ekstrakt yog'» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2019 йил 22 майдаги №ГП/3-616-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлардан «Guliston ekstrakt yog'» акциядорлик жамиятининг раҳбарлари ва мутахассислари фаолиятини баҳолашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда фойдаланилган ҳамда «Guliston ekstrakt yog'» акциядорлик жамиятида персонални бошқариш харажатларини 0,1 фоизга қисқартиришга эришилган, иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига корхонанинг 23,4 млн. сўмлик технологияларини янгилашга эришилган;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонални самарали бошқаришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида персонални бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича берилган таклифлар «Guliston ekstrakt yog'» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2019 йил 22 майдаги №ГП/3-616-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 1,5 фоизга ошган;

ёғ-мой саноати корхоналарида персонал мотивацияси моделини корпоратив маданият ва корпоратив руҳни шакллантириш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Yangiyo'l Yog'-Moy» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2019 йил 22 майдаги №ГП/3-616-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истикболдаги стратегияси, персонални бошқаришнинг самарадорлиги ва корхонада кадрларнинг касбий малакасини оширишга эришилиб, ишлаб чиқариш қуввати 1,5 фоизга ёки 2,9 млрд. сўмга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва ҳалқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, миллий журналларда 8 та ва нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 14 та маъруза ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобида ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг мазмун-моҳияти, тизим корхоналарини ривожлантириш ва бошқарувнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, персонални бошқаришда хорижнинг илғор тажрибаларини қўллаш имкониятлари тизимлаштирилиб, муаллиф ёндашувлари баён этилган.

Диссертацияда муаллифнинг назарий тадқиқотлари натижасида қатор методологик ёндашувлар шакллантирилган.

Маълумки, персонални бошқариш комплекс, кенг қамровли тушунча бўлиб, бир қанча масалаларни: кадрлар менежменти концепциясини ишлаб чиқишдан тортиб, то аниқ корхона мисолида уларни амалга ошириш механизмини шакллантиришга ташкилий-амалий ёндашувларни ўз ичига олади. Персонални бошқаришнинг замонавий концепцияси ишловчининг шахсий роли ортиб бораётганини тан олишга, унинг мотивацион мақсадларини билишга, бу мақсадларни корхона манфаатларига мослаб шакллантириш ва йўналтиришни билишга асосланади.

Персонални бошқариш деганда ташкилот, корхоналарда иш билан банд бўлган инсонлардан ташкилий ва шахсий мақсадлар йўлида унумли фойдаланишни кўзда тутиб амалга ошириладиган фаолият мажмуини тушуниш мумкин. Шундай экан, бошқарувчилик фаолиятининг объекти шу корхона миқёсида шахсий мотивацияси туфайли меҳнат жараёнига жалб қилинган ходимларнинг умумий йиғиндисини ишлаб чиқишга асосланади.

Шу муносабат билан персонални бошқариш назариясида замонавий ишлаб чиқариш жараёнини ташкилий тизимларнинг такомиллашувига асосланган ишлаб чиқариш технологияларининг доимий ривожланиши ҳамроҳлигида ўрганиш зарурати ўз аксини топади. Мазкур жараёнларнинг ўзак қисмини инсон омили, ташкилий ифодасини эса персоналга мансублик ташкил этади.

Умуман олганда саноат корхоналарида персонал бошқарувини такомиллаштириш муаммосига ҳар бир субъектнинг профессионал шахсий сифатлари, ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилий-технологик

компонентини такомиллаштириш муаммоси сифатида қараш кераклиги асослаб берилди. Шундай қилиб, персонални бошқариш назариялари инсон омилининг яхлит ижтимоий-иқтисодий тизими бўлган корхонада унинг аҳамияти тўғрисидаги билимлар тизимини англатади. Инсон омили иқтисодий ҳаёт субъекти сифатида тасаввурларнинг узоқ муддатли ривожланиши натижасида вужудга келган «ишчи кучи», «меҳнат ресурслари», «меҳнат салоҳияти», «инсон омили», «персонал» ва «инсон ресурслари» каби тушунчалар билан тавсифланади.

Муаллифнинг фикрича, замонавий корхоналарда персонални бошқариш самарадорлиги корхона ривожланишининг ҳар бир босқичида қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилиши зарур:

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини такомиллаштириш;

ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш, корхонанинг юқори даромад олиши;

ишлаб чиқаришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;

ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, амалдаги стандартлар, меъёрий ҳужжатлар ва давлат томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилиш;

ихтисослаштирилган иш жойига доимий равишда боғланган операцияларни бажариш;

махсулот ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қиладиган ва қўл ёрдами билан бажариладиган ишлар ҳажмини камайтириш, механизация-лашган ва автоматлашган жараёнларнинг улушини кўпайтириш;

доимий равишда бириктирилган битта операцияни бажариш учун иш жойини ихтисослаштириш;

махсус ускуналар ва юқори унумли анжомларнинг улушини маълум даражада кўпайтириш;

ишлаб чиқаришни бошқариш функциясини марказлаштириш ва оператив режалаштириш.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, персонални бошқариш тизими самарадорлигини ошириш бир нечта ташкилий-иқтисодий шартларга бориб тақалади. Айниқса, саноат корхоналарида персонални бошқариш тизими самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий шартлари этиб қуйидагилар белгиланди:

корхоналарда бошқариш функциялари – режалаштириш, ташкил қилиш, рағбатлантириш, назоратни бажариш харажатларини камайтириш;

бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш, бошқарув бўлинмаларининг таркиби ва сони, мавжуд бошқарув даражаларининг сонини такомиллаштириш;

ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва касбий малакасини тўхтовсиз ошириб боришни самарали йўлга қўйиш;

бошқарув ходимлари сонини камайтириш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, касбий малакасини ошириш.

Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш жараёнининг иш режасини ишлаб чиқиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уларни бирлаштириш, иш жараёнларига раҳбарлик қилиш, корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва ходимлари ишини мувофиқлаштириш, иш жараёнини назорат қилиш ҳамда соҳада халқаро стандарт меъёрларини талаб даражасида биладиган малакали мутахассислар етишмаслиги каби муаммоларнинг мавжудлиги бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш заруратини асослаб беради.

Саноат корхоналарида персонални бошқариш бўйича қатор ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаси ўрганилди. Жумладан, АҚШ ва Япония саноат корхоналарида персонални бошқариш услубининг ўзига хос хусусиятлари ходимларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши билан ажралиб туради.

Япониянинг кўплаб корхоналарида бошқарув персонали ва ходимлар томонидан ҳар бир операция ижрочиси кейинги операция ижрочисига ўз истеъмомчиси сифатида қараши ва шунинг учун ўз ишини талаб даражасида бажаришга даъват этиши ўрганилган.

Кўплаб мамлакатларда Япониянинг «бир умрга ёллаш» тизими машҳур бўлишига қарамасдан, бу тизим маълум миллий шароитлар учун ҳар доим ҳам тўғри келмайди. Япония тизимининг самарадорлиги кўплаб ҳолатларда японларнинг миллий ва маданий хусусиятлари натижасидир. Ўзбекистонда «бир умрга ёллаш» тизимини қўллаш, корхоналаримизда натижа бериши ва самара келтиришига кафолат йўқ. Бундай ёндашув Ўзбекистон шароитида ходимнинг касбий ўсишини тўхтатиши, ёш ва стажга боғлиқ қилиб қўйиши мумкин.

Мамлакатимизда бошқарувни самарали йўлга қўйишда корхонани меҳнат ресурслари билан таъминлаш даражаси, иш вақтидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлик даражаси алоҳида аҳамият касб этади. (1-жадвал)

Ўзбекистонда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш асосида персонални бошқариш тизимини такомиллаштириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу билан бирга, мамлакатнинг айрим корхоналари бу тажрибага мурожаат қилмасдан, одатдагидек эски маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидаги ишчи кучини бошқариш концепциясига хос бўлган, эскириб кетган, персонални бошқариш усулларида фойдаланмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон корхоналари иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда тўпланган персонални бошқариш тизими соҳасидаги маълум халқаро тажрибаларни ўрганиб, ундан бошқарув амалиётида фойдаланишлари зарур.

Корхоналарда персонални бошқаришнинг таққослама таҳлили⁶

№	Мамлакатлар	Тажрибалар ва хусусиятлар
1	Япония	Маҳсулот сифатини бошқаришнинг япон тизими асосига фирма доирасида сифат устидан ялпи назорат қилиш қўйилган. Сифат устидан назорат ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олади. Назорат қилиш тизимига фирманинг барча ходимлари жалб қилинган
2	АҚШ	1.Ишчиларнинг цех даражасида меҳнат ва маҳсулот сифатини бошқаришда иштирок этиши. 2.Ишчилар ва бошқарувчиларнинг ишчи кенгашлари (қўшма қўмиталари) ташкил қилиниши. 3.Фойдада иштирок этиш тизимлари ишлаб чиқилиши. 4.Ишчилар вакилларининг корпорациялашуви
3	Корея	1.Контентни бошқариш тизими. 2.Маълумотлар ва тажрибани айирбошлаш. 3.Танланган маълумотларга асосланган хизматлар. 4.Хизматларни бошқариш тизими
4	Ўзбекистон	Бозорни сифатли, хавфсиз, арзон маҳсулотлар билан тўлдириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. 1.Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминлаш даражаси. 2.Иш вақтидан фойдаланиш. 3.Меҳнат унумдорлик даражаси.


Корхонада персонални бошқариш самарадорлигини ошириш учун соғлом ва меҳнат қобилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш, кадрларнинг жинси ва ёшига кўра таркиби ва малакаси ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштирилишини ҳисобга олишдан ташқари, ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларининг ўзгариб боришига ўз вақтида эътибор қаратиши, фан ва техниканинг янги, илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириши лозим.

Бугунги кунда илм-фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, бошқариш ишларини такомиллаштириш ва механизациялаш бу вазифаларни бажариш жараёнларини бирмунча енгиллаштиради ва бошқарувчиларнинг малакасини юқори бўлишини тақозо этади.

Муаллиф томонидан ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг такомиллаштирилган механизми ишлаб чиқилиб, унда персонал менежментини ривожлантириш ҳамда менежмент функцияларини қўллаш асосида персонални бошқариш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. (1-расм)

Персонални бошқаришнинг замонавий шакллари ўрганиш ва менежмент усулларини қўллаш мамлакат ёғ-мой корхоналарига юқори иқтисодий натижаларга эришиш имконини беради.

⁶Муаллиф ишланмаси



1-расм. Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришнинг такомиллаштирилган механизми⁷

Диссертациянинг иккинчи боби «Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш тизими самарадорлиги таҳлили» деб номланган бўлиб, мазкур бобда «Ўзпахтаёғ» АЖда персонални бошқариш билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар, алоҳида олинган ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқариш самарадорлиги, корхоналарда персонални самарали бошқариш омили таҳлил қилинган.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи

⁷Муаллиф ишланмаси

янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва «ақлли» технологиялар амалиётга жорий этилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Муаллиф томонидан, акциядорлик жамиятининг ташкил қилиниши ва иш фаолияти ўрганилиб қўйидагилар аниқланди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ташкил этилди. Компания негизида «Ўзпахтасаноат», «Ўзпахтаэкспорт», «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. 2019 йилда «Ўзпахтаёғ» АЖ негизида Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси ташкил этилди⁸.

«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг ташкил этилиши пахта толасини қайта ишлаш, экспорт қилиш, корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича ягона комплексни ташкил этиш йўлида муҳим қадам бўлди. Фармон ижросини таъминлаш пахта тозалаш саноати ҳамда пахта чигитини чуқур қайта ишлаш ҳисобига сифатли ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ягона сиёсат юритиш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур фармон пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб қилишда қатор қулайликларни яратди.

«Ўзпахтаёғ» АЖ 2018 йилда 9,17 млн АҚШ долларлик хусусий, банк кредитлари ва тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштирган. 2016 йилда капитал маблағларни ўзлаштириш прогнози бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан 26599,7 млн.сўм кўзда тутилган бўлса, ҳақиқатда корхона маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан 37741,6 млн.сўм ёки 141,9 фоиз прогнозга нисбатан кўп инвестицион лойиҳалар амалга оширилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 2018 йилда «Ўзпахтаёғ» АЖда ходимлар сони 13235 киши бўлиб, 2017 йилга нисбатан 0,1% га камайган. Ишчилар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бошқарув ходимлари 3,3%ни, инженер-техник ходимлар 10,1%ни ёрдамчи персонал ходимлари 7,7%ни, ишчилар эса 78,9%ни ташкил этган. АЖда 56 ва ундан катта ёшдагилар атиги 1,9% ни ташкил этади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги ПК-4118-сонли қарорига асосан «Ўзпахтаёғ» АЖ негизида Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасини ташкил этилди

**Ёғ-мой саноати корхоналарининг бошқарув ходимлари ва
муҳандис-техник ходимларини 2018 йилда аттестациядан ўтказиш
натижалари ҳақида маълумот⁹**

	Корхоналарнинг номи	Аттестация иштирок- чиларининг сони	Жумладан, суҳбат ўтказилди	Тегишли лавозим сифатида эътироф этилган	Аттестациядан ўтган ходимларнинг умумий сонига нисбатан % да	Лавозимига мос келмаган деб тан олинган	Аттестациядан ўтган ходимларнинг умумий сонига нисбатан % да
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	«Турон Хожейли» АЖ	16		7	44	9	56
2.	«Беруний Ёғар» АЖ	19	2	10	52	7	37
3.	«Андижон Ёғ-мой» АЖ	30	1	21	70	8	27
4.	«Асака Ёғ» АЖ	29	1	20	69	8	27
5.	«Когонёғ-экстракция» АЖ	21		16	76	5	24
6.	«Қарши ёғ-экстракция» АЖ	27	1	17	65	9	35
7.	«Косонёғ-экстракция» АЖ	2				2	100
8.	«Учқўрғонёғ»	23	2	11	52	10	48
9.	«Guliston ekstrakt yog'» АЖ	31	1	14	48	16	52
10	«Каттақўрғонёғ-мой» АЖ	26	6	5	25	15	75
11	«Сурхон озиқ-овқат саноати» АЖ	43	15	16	57	12	43
12	«Янгийўл ёғ-мой» АЖ	32	8	9	37	15	63
13	«Фарғона ёғ-мой» АЖ	27		17	63	10	37
14	«Қўқон ёғ-мой» АЖ	31	4	16	59	11	41
15	«Урганч ёғ-мой» АЖ	29	4	18	72	7	28
16	«Тошкент ёғ-мой» комбинати АЖ	1		1	100		
17	«Евроснар» МЧЖ	14	1	4	31	9	69
18	«Нурли нон» МЧЖ	21	1	11	55	9	45
19	«Бўстон олами» МЧЖ	18		7	39	11	61
20	«Вангози Агроэкспорт» МЧЖ	12	4	7	87	1	13
21	«Наманган тола текстиль» МЧЖ	16	1	6	40	9	60
22	«Континент Н Ёғ-мой» МЧЖ	ўтказилма ган					
23	«Агрохизмат Шиндонг» МЧЖ	ўтказилма ган					
	Жами	468	52	233	56	183	44

Шунингдек, ўрганилаётган йилларда 16-25 ёшдагилар, 46-55 ёшдагилар ҳамда 56 ёш ва ундан юқори бўлганлар таркибида камайиш кузатилмоқда. 36-45 ёшдагилар сони «Ўзпахтаёғ» АЖда 1,1% га, 26-35 ёшдагилар сони эса 0,9% га ошганини кўришимиз мумкин. Таҳлил маълумотларидан кўринадики,

⁹ Манба: жадвал «Ўзпахтаёғ» АЖ таркибидаги корхоналарнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

«Ўзпахтаёғ» АЖда ўрганилаётган йилларда қўнимсизлик даражаси йил сайин ортиб борган. Энг аввало ушбу қўнимсизлик ишчининг ўзига бошқа иш топгани, иш ҳақи юқори бўлган ишга ўтиши, ишдаги шароитлар, касб-касаллиги билан боғлиқ. Шу билан бирга ходимнинг меҳнат интизомига риоя этмагани, ишга келмаслиги, иш фаолиятидаги бўшлиқлар сабабли маъмурият томонидан бўшатиlgанини кўришимиз мумкин.

«Ўзпахтаёғ» АЖ таркибидаги 23 корхонанинг 21 тасида 2018 йилда раҳбар ходимлар ва инженер-техник ходимлар аттестациядан ўтказилди. (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, аттестациядан ўтишга жами 468 нафар раҳбар ходим ва инженер-техник ходимлар киритилган. Шундан 52 нафари 11,1% суҳбатдан ўтказилган. Аммо натижалар унчалик юқори бўлмаган. Натижаларга кўра, 233 нафар (56%) ҳақиқатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилган, 183 нафар (44%) эса эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас деб топилган. Айниқса, «Косон ёғ экстракт» АЖ 100%, «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ 75%, «Евроснар» ОАЖ 69%, «Янгийўл ёғ-мой» АЖ 63% ва бошқа корхоналарнинг аксарият раҳбар ва инженер-техник ходимлари ўз лавозимига номуносиб деб баҳоланган.

3-жадвал

«Guliston ekstrakt yog'» АЖ ва «Yangiyo'l Yog'-Moy» АЖ лардаги кадрлар таъминоти¹⁰ (2018 йил 1 январь ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	бирлиги	«Guliston ekstrakt yog'» АЖ		«Yangiyo'l Yog'-Moy» АЖ	
1	Жами ишловчилар	киши	657	100,0	699	100
	Шу жумладан:					
	-раҳбарлар		3	0,4	3	0,4
	-муҳандис-техник ходимлар		97	14,7	85	12,1
	-ишчилар		560	84,9	601	85,3
	-касаначилар		-	-	10	10,5
2	Корхонада ишлаётган аёллар	киши	101	15,3	16	22,8
3	Ишловчиларнинг маълумотлилиқ даражаси:	киши	-	100,0	-	100,0
	-олий маълумотли		69	10,5	59	8,4
	-ўрта махсус		248	31,1	220	31,4
	-ўрта ва тўлиқсиз ўрта		340	58,4	420	60,2

«Ўзпахтаёғ» АЖ таркибидаги 2 корхонанинг кадрлар таъминотини таҳлил этганимизда, ушбу корхоналарда мос равишда ишловчилар сони 657 киши ва 699 кишини ташкил этаётганини, уларнинг таркибида асосан ишчиларнинг салмоғи юқори эканини кўришимиз мумкин. (3-жадвал)

3-жадвал маълумотларига кўра 2018 йил 1 январь ҳолатига «Guliston

¹⁰ Жадвал «Guliston ekstrakt yog'» АЖ ва «Yangiyo'l Yog'-Moy» АЖ ларнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ekstrakt yog'» АЖ да умумий ишловчилар таркибида аёлларнинг салмоғи 15,3% ни, «Yangiyo'l Yog'-Moy» АЖда 22,8%ни ташкил этди. Ишловчиларнинг маълумотлилиқ даражаси бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, «Guliston ekstrakt yog'» АЖда 10,5%ни, « Yangiyo'l Yog'-Moy» АЖда 8,4% ни ташкил этди.

Ёғ-мой саноати корхонасини ходимлар ва фонд билан таъминланганлик даражаси ўртасида корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинган (4-жадвал)

4-жадвал

Ёғ-мой саноати корхонасида фонд билан қуролланганлик ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлили¹¹

Йиллар	Ишчилар фонд билан қуролланганлиги (асосий воситаларни ўртача йиллик қиймати/ходимларни ўртача рўйхатдаги сони) (x)	Меҳнат унумдорлиги даражаси (бир ишчига тўғри келувчи иш унуми) (маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум/ходимларни ўртача рўйхатдаги сони) (y)
2012	4240,8	32411,7
2013	4705,16	38712,5
2014	4835,36	46377,94
2015	4906,82	58562,54
2016	7495,95	100125,80
2017	8245,54	110138,38
2018	9070,09	121152,21

Корреляцион матрицада ўзаро корреляция коэффиценти 0.975 қийматни ташкил этгани боис ишловчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражаси билан меҳнат унумдорлигининг боғланиш даражаси жуда юқорилиги келиб чиқади. Энди навбатдаги муҳим масалалардан бири бу ишловчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражаси ўзгаришининг меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсирини аниқлаш масаласидир.

Қуйидаги мазкур икки ўзгарувчининг регрессия тенгламаси қуйида ўз аксини топган:

$$\frac{Y}{L} = 20.36 \frac{K}{L} - 51404.04$$

Бунда Y/L – меҳнат унумдорлиги, K/L эса, ишловчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражасидир.

Ишлаб чиқилган эконометрик моделнинг статистик параметрларига кўра детерминация коэффиценти (R^2) 0.951 га тенг бўлиб, мазкур олинган қийматга кўра ишловчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражаси меҳнат унумдорлигига кучли таъсир этади. Шунингдек, $Prob (F\text{-statistic}) \leq 0.05$ бўлганлиги учун тенгламанинг сифати юқори экани келиб чиқади. Энди тенгламанинг озод ҳади ва регрессорнинг қийматларини статистик жиҳатдан

¹¹ **Изоҳлар ва манбалар:** Эрксиз ўзгарувчи Y , модель параметрларини баҳолаш усули “кичик квадратлар”. Таҳлиллар Eviews 9 амалий дастури ёрдамида муаллиф томонидан амалга оширилган.

аҳамиятлилигини текшириб кўрамиз. Олинган натижаларга кўра, Стъудентнинг (t) ҳисобланган қийматлари 7.643 га тенг бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг эҳтимоллиги $\text{Prob}(t\text{-Statistic}) = 0.0046$ қийматни ташкил этади. Бундан кўринадики, ишлаб чиқилган регрессия параметрларининг сифати талабга тўла жавоб беради, чунки $\text{Prob}(t\text{-Statistic}) \leq 0.05$.

Қуйида мазкур моделнинг статистик параметрлари ва уларнинг ишончилилик даражалари келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

Меҳнат унумдорлиги регрессия тенгламасининг статистик параметрлари ва уларнинг ишончилилик даражалари¹²

Variable	Coefficient	Std.Error	t-Statistic	Prob
X	20.36392	2.664061	7.643939	0.0046
C	-51404.04	14285.42	-3.598358	0.0368
R-squared	0.951164	Mean dependent var S.D. dependent var Akaike info criterion Schwarz criterion Hannan-Quinn criter Durbin-Watson stat		55238.10
Adjusted R-squared	0.934885			26919.32
S.E.of regression	6869.175			20.79665
Sum squared resid	1.42E+08			20.64043
Log likelihood	-49.99162			20.37736
F-statistic	58.42981			1.941257
Prob (F-statistic)	0.004649			


Хулоса қилиш мумкинки, «Guliston ekstrakt yog'» АЖДа ишловчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражасининг 1 сўмга ўсиши корхонадаги меҳнат унумдорлигининг қўшимча равишда 20.4 сўмга ўсишига олиб келади. Мазкур таҳлилдан кўринадики, корхонада ишлаб чиқариш самарадорлиги бевосита технологияларнинг ҳолатига боғлиқ.

